O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

УШБУ СОНДА:
2 Коврак кушандалари
3 Бағрибутунлик
4 Холислик ва ҳаққонийлик
Мактабдаги машмашалар

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 18 (525) 2007 йил 8 май сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Давлат ҳомийликни қуйидаги шаклларда қўллаб-қувватлаши мумкин:

ҳомийлик ташкилотлари ишлаб чиқадиган ҳомийлик дастурларини танлов асосида давлат томонидан молиялаштириш;

давлат мол-мулкини ҳомийлик ташкилотларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул ёки имтиёзли асосда мулк қилиб бериш;

давлат мулки бўлган бинолар, жойлар ва бошқа мол-мулк ижараси ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш;

ҳомийлик ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

ҳомийлар, кўнгиллилар ҳамда ҳомийлик ташкилотларини рағбатлантириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳомийликни бошқа шаклларда ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

«ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 14-МОДДА

Маълумки, ўтган 2006 йил давлатимиз раҳбари томонидан ***«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»*** *деб эълон қилиниб, маънавий қадрият сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилот ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23январдаги* ***«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастури тўғрисида»****ги Қарори қабул қилинган эди. Ушбу дастурда кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун ўтган йили қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллион сўм бюджет маблағи, 151 миллион сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағи сарфланди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек,* ***«савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мозорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, оилаларга, болалар ва норасидаларга мурувват кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига киради. Буни асло унутмаслигимиз керак».***

Qonunning mohiyati

Ҳомийликнинг ҳуқуқий асоси

Дастурда муқаддас тушунчаларнинг ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик базасини шакллантириш, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш, ҳомийликнинг моҳияти ва тушунчасини акс эттирадиган, хайрия фаолиятини амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахсларга зарур солиқ имтиёзларини, тегишли рағбатларни назарда тутадиган **«Ҳомийлик тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этиб ўтилган эди. Бу вазифани самарали адо этишда халқаро тажрибаларга эътибор қаратилди, халқимизга хос қадриятлар, урф-одатлар ҳам **«Ҳомийлик тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига сингдирилди. Дарҳақиқат, улуғ бобомиз Алишер Навоий фақат буюк шоир, олим, донишманд сифатида эмас, балки саховатпеша арбоб, илм ва санъат аҳли раҳнамоси сифатида ҳам кенг шуҳрат қозонгани, ўз маблағлари ҳисобидан 50 дан зиёд работ, 20 га яқин тўғон, ўнлаб мадрасалар, кўприклар қурдиргани, кўплаб ҳовуз ва ариқлар қаздиргани ёхуд Темурийлар даврида давлат хазинасидан ҳамда саховатли тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан бева-бечораларга, шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига мунтазам ёрдамлар кўрсатилгани тарихдан маълумдир.

Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун қуйи палата томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланди ҳамда 2007 йилнинг 3 майида кучга киритилди. Қонун 4та боб, 23 та моддадан иборат.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонун ҳомийлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, давлат томонидан тегишли имтиёзлар ва қўшимча имкониятлар беришнинг яхлит тизими яратилган. Жумладан, «Асосий тушунчалар», деб номланадиган 3-моддада кўнгиллилар, ҳомийлар, ҳомийлик олувчилар, ҳомийлик субъектлари, ҳомийлик ташкилоти каби субъектларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, **«Ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти)»нинг юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан, пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолияти) сифатида тушунилиши** аниқ белгилаб қўйилган.

Қонуннинг мазкур моддаси талабларига биноан, ҳомийлик фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши ва ўз навбатида ҳомийлик олувчилар ҳам фуқаролар билан бир қаторда, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қонуннинг 4-моддасида ҳомийлик мақсадлари белгиланган. Бу эса, мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб берувчи асосий белгилардан бири ҳисобланади. Яъни қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, «Ҳомийлик фаолияти» сифатида белгилаб қўйилган фаолият, 4-моддада назарда тутилган мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлса, бу ҳолда мазкур фаолият ҳомийлик сифатида тан олинади.

5-моддада юридик ва жисмоний шахслар ҳомийликни якка тартибда ёки биргалашиб, ҳомийлик ташкилотини ташкил этган ёхуд ташкил этмаган ҳолда ихтиёрий равишда ҳамда монеликсиз амалга оширишга ҳақли эканликлари ифодаланган. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг умумий манфаатига эришишга қаратилган устувор йўналишлар ва фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашда давлатнинг фуқаролик жамияти билан ўзаро мустаҳкам алоқасини таъминлаш учун асос вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, ушбу модданинг учинчи қисмига биноан, ҳомийлар ўз ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш мақсадлари ва тартибини белгилашга ҳақлидирлар. Ҳеч ким қонунда белгиланган ҳомийлик фаолияти мақсадлари ва уни амалга ошириш шаклларини танлаш эркинлигини чеклашга ҳақли эмас.

Қонуннинг 2-боби **«Ҳомийлик ташкилотлари»,** деб номланади. Шу ўринда, 3-моддадаги ҳомийлик субъектига берилган таърифда акс этган қуйидаги учта ўзига хос белгига эга ташкилотларни ажратиб кўрсатиш лозим:

биринчидан, мазкур ташкилот нотижорат ташкилот ҳисобланади. Зеро, Фуқаролик кодексининг 40-моддасига биноан, тижоратчи бўлмаган ташкилотни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб белгиланмаган ташкилот сифатида тушуниш мақсадга мувофиқдир. Шу сингари, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига кўра, ташкилот нотижорат деб тан олиниши учун:

- даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган;

- олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ташкилоти бўлиши зарур.

иккинчидан, бу ташкилот нодавлат ташкилоти ҳисобланади;

учинчидан, ҳомийлик ташкилотлари жамият манфаатлари йўлида қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган мақсадларни амалга ошириш учун ташкил қилинади.

Бошқача айтганда, ҳомийлик ташкилотлари ўз муассислари, аъзолари ёки муайян фуқаро ёхуд ташкилотга ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил қилинмайди. Мазкур белгилар ҳомийлик ташкилотларининг мақомини белгилаб берувчи асосий белгилар саналади. Шу билан бирга, бундай ташкилот қонунда назарда тутилган бошқа талабларга ҳам жавоб бериши лозим.

Ушбу бобнинг 6-моддасида, ҳомийлик ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат фонди шаклида, шунингдек, қонунларда белгилаб қўйилган бошқа шаклларда ташкил этилиши ҳамда ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланувчи уюшмаларга (иттифоқларга) бирлашиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан боғлиқ масалалар эса, Фуқаролик кодексининг 74,75,76-моддалари, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунлар билан тартибга солинади.

7-моддада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, давлат унитар корхоналари, давлат ташкилотлари ҳамда муассасаларидан ташқари, бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар, ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб, уларнинг муассислари бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Хусусан, муассис сифатида жисмоний шахслар жамоат бирлашмаси ва жамоат фондлари шаклида ташкил қилинадиган ҳомийлик ташкилотларида иштирок этишлари мумкин. Жамоат бирлашмасининг ташаббускорлари, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига биноан, камида ўн нафар бўлиши лозим.

Юридик шахслар эса «жамоат фондлари» шаклида тузиладиган ҳомийлик ташкилотларининг муассислари сифатида қатнашишлари, шунингдек жисмоний шахслар билан биргаликда жамоат фондлари ва жамоат бирлашмаларини ташкил қилишлари мумкин. Аммо бунинг учун, аввало, юридик шахсларнинг ўзлари жамоат ташкилотлари саналиши, *иккинчидан*, жисмоний шахслар сони камида ўн нафар бўлиши зарур.

Қонуннинг 9-10-моддалар **ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки ва уларни шакллантириш манбалари билан боғлиқ масалаларга** бағишланган. Хусусан, қонун ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки таркибини чекламайди. Шу билан бирга, ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланишнинг бир қатор талабларни белгилайди. Жумладан, 9-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, ўз таъминоти (шу жумладан фаолияти билан боғлиқ харажатлари) учун ҳомийлик ташкилоти молия йилида ўзи сарфлайдиган молиявий маблағларнинг 20 фоизидан ортиғидан фойдаланишга ҳақли эмас. Шунингдек, Қонунда ушбу чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Булардан ташқари, мазкур моддданинг еттинчи қисмига биноан, ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки бу ташкилотларнинг муассисларига ёки аъзоларига, бошқа шахсларга сотилиши ёки берилишидан қараганда, қулайроқ шартларда сотилиши ёхуд берилиши мумкин эмас.

Шунингдек, «Ҳомийлик дастури» деб номладиган 11-модданинг учинчи қисмига мувофиқ, ҳомийлик дастурларини молиялаштириш учун пул маблағлари ажратилган бўлса, молия йилида унинг камида 80 фоизидан ҳомийлик мақсадларида фойдаланиши лозим. Демак, бундан келиб чиқиб, ҳомийлик дастурларини ҳомийлик ташкилотлари томонидан ўзларининг молиявий фаолиятини режалаштириш ва амалга ошириш учун мўлжалланган асосий ҳужжатлардан бири деган хулосага келиш мумкин.

Ҳомийлик дастури тахмин қилинаётган тушумлар ҳамда режалаштирилаётган харажатлар сметасини (шу жумладан ҳомийлик дастурини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни) ўз ичига олади, дастурни амалга ошириш босқичлари ва муддатларини белгилайди.

Қонуннинг 12-моддаси ҳомийлик ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатишга доир масалаларни ўз ичига олган.

Ушбу жараён Фуқаролик кодексининг 49-56-моддалари ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддаси билан тартибга солинади. Қонунда ҳомийлик ташкилотини тугатиш жараёнида қолган мол-мулкдан фойдаланишда қўшимча чекловлар белгиланган.

(Давоми иккинчи бетда)

9-may — Xotira va qadrlash kuni

Инсон — азиз, хотираси мўътабар

Ҳар гал она қишлоғимга борганимда, даставвал, табаррук 86 ёшни қаршилаётган опоқдадам – Тўхтасин ота Абдувалиевни зиёрат қиламан. Яқинда ҳам худди шундай бўлди. Пича йўл чарчоғини чиқарган бўлдим-у, онам иккимиз опоқдадам ҳузурига ошиқдик.

Болаликдан қадрдон маҳалла бошида опоқдадамни учратдик. Кенжа набирасига нималарнидир уқтириб бораётган опоқдадам бизни кўриб жуда мамнун бўлди, нурли юзи яна ҳам ёришиб кетди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, салмоқ билан гап бошлади:

— Мактаб ёнидаги хотира майдонини яна ҳам обод қилайлик, деб урониб ётибмиз. Эрталабдан иш бошлаб, эллик туп арча ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздик.

— Дада, қишлоқда шунча ёшлар туриб, сиз кўчат эксангиз ярашмас-ов. Ҳадеб ўзингизни уринтраверманг, ҳали бизга жуда-жуда керексиз, — дедилар онам пича ранжиган кўйи.

— Болам, бир қўл билан кўчат экиш менга йўл бўлсин, — деди опоқдадам меҳрга йўғрилган товушда. — Қанча юмуш бўлса, ёшлардан ортмайди. Бироқ бу табаррук жойда амалга оширилаётган хайрли ишлардан четда турсам, ўзимни гуноҳкордай сезаман. Ўша уруш давридаги, қуролдош дўстларим, Ватан ҳимояси учун жон олиб жон берган ҳамюртларимнинг руҳлари шод бўлсин, дейман-да.

— Опоқдада, сиҳатгоҳга бепул йўлланма беришса ҳам бормаганингиз сабабини энди тушундим. Шу ишларга бош-қош бўлиб турсам, дегансиз...

— Аслида бу ишларимиз мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олдида денгиздан томчи, холос. Эсларингда бўлса, аввалларкишлоғимиздаги Хотира майдони ўрнида автомат қучоқлаган «Номаълум солдат» ҳайкали полиз қўриқчисидек қаққайиб турарди. Номаълум одамни хотирлаш, эъзозлаш, бирор кишининг хаёлига ҳам келмасди. Очиғи, ўша собиқ шўролар замонида ҳам «Бегона юртда шу Ватан, шу тупроқ деб жонини фидо қилган инсон нега энди номаълум бўлади? — деган ўй кўп бор кўнглимдан кечган. Бироқ ўша замон сиёсати туфайли дилимдаги тилимга кўчмаган. Мана, мен жанг майдонида қўлимдан ўқ еб, беҳуш ётган маҳалда Абдурасул ва Неъматжон исмли қуролдош дўстларим кўмагида омон қолганман. Тақдирни қарангки, менинг ҳаётимни сақлаб қолган икки жасур дўстим беомон жангдан сўнг «бедарак йўқолган». Уларни «номаълум солдат» деб бўладими, ахир! Хайриятки, мустақиллик йилларида ҳамма нарсани ўз номи билан атай бошладик. Юртбошимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилинганида, мен қатори барча фахрийлар бундан чексиз миннатдор бўлишди, деб ўйлайман. Бу эзгу ва хайрли ишларни амалга ошираётганлар ҳаққига дуо қилиш баробарида ёшларга ҳеч бўлмаса, йўл-йўриқ кўрсатиб, билмаганларини ўргатиб турсак, дейман-да. Ахир, арқонга қил қувват, деб бежизга айтмаганлар...

Опоқдадамнинг содда ва самимий сўзларидан ниҳоятда таъсирландим. Қари билганни, пари билмас деганларидек, юртимизнинг чекка бир қишлоғида истиқомат қилса-да, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлардан хабардор эканликларидан қувондим. Ўша кунги мароқли суҳбатдан сўнг пойтахтимиздаги Хотира майдонини зиёрат қилишни кўнглимга тугдим.

(Давоми иккинчи бетда)

Adliya xabarlari

Адлия вазирлигида

Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасидаги дипломатик алоқалар нафақат иқтисодий-сиёсий, балки ҳуқуқий соҳада ҳам тадрижий ривожланиб бормоқда.

2007 йил 4 май куни Адлия вазири Ф.Отахонов билан Япония Адлия вазирининг ўринбосари Синсуке Окуню ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

2007 йил 4 май куни Адлия вазири Ф.Отахонов билан Фридрих Эберт номидаги фонд бошқаруви аъзоси Юрген Буркхард ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирни Ф.Отахонов очиб, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалалар бўйича ҳамкорликни кучайтириш мақсадида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга 5 марта расмий ташриф буюргани ҳамда Германия давлат раҳбарларининг Ўзбекистонга расмий ташрифлари бунга яққол мисол бўла олади.

Ф.Отахонов меҳмонларни бевосита Адлия вазирлигининг фаолияти билан таништириб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари билан таништирди. Бугунги кунда вазирликда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш Маркази фаолият юритаётганлиги хусусида тўхталиб, мазкур Марказ томонидан амалга оширилаётган бир қатор ишлар тўғрисида маълумот берди.

Ўтаётган ҳар бир йилга рамзий маънода ном бериш орқали ижтимоий масалалар ечимига йўл топиш яхши анъанага айланиб бораётганлиги, 2007 йил эса "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан Давлат дастури тасдиқланганлиги таъкидланиб, мазкур дастур доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида"ги ва бошқа бир қанча янги қонунларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш кўзда тутилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Фридрих Эберт фонди бошқаруви аъзоси Юрген Буркхард ҳам мазкур учрашувдан мамнун эканлигини билдириб, ушбу Фонд ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ривожланиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолаб, бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшишдан мамнун эканлигини билдирди.

Учрашув якунида тарафлар унинг натижаларидан мамнун эканликларни билдириб, келгусида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олдилар.

Синсуке жаноблари учрашув ташкил этилганлигидан мамнун эканлигини билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳуқуқий соҳада ҳамкорлик ривожланаётганлиги, бундан икки давлат ҳам бирдек манфаатдор эканлигини билдирди.

Ф.Отахонов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолияти билан қисқача таништириб, мустақиллик йилларида 15 та кодекс ва 400 дан ошиқ қонунлар қабул қилинишида вазирликнинг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаб ўтди. Хусусан, Адлия вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланган тадбиркорлар ҳуқуқларини, шу жумладан хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтиб, бугунги кунда мамлакатимизда 3000 га яқин хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мавжуд эканлиги, шулардан 600 дан ошиғи хорижий корхоналар эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 5000 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда 51 та хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилганлиги, Ўзбекистон — Япония дўстлик жамияти, Ўзбек — япон маркази ва Япония ҳамкорликни ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидан эканлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, судлар мустақиллигини таъминлаш борасида мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилаётганлиги, бу борада Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил қилиниб, ҳозирги вақтда судьяликка номзодларни танлаш ва тавсия этиш масалалари шу комиссия ваколатида эканлиги ва Адлия вазирлиги зиммасига эса фақатгина суд қарорларини ижро этиш ҳамда уларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилганлиги таъкидланди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигини такомиллаштиришда Японияннинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш, япон мутахассислари билан ўзаро ҳамкорликни янада яхшилаш тўғрисида келишиб олдилар.

Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати

Adliya xabarlari

Адлия вазирлигида



2007 йил 3 май куни Адлия вазири Ф.Отахонов ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Нориаки Нишимия ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Нишимия жаноблари самимий қабул учун ўз миннатдорчилигини билдириб, икки давлат ўртасида ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли асосларга қурилаётганлигини, бу ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини айтиб ўтди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари Миллий базаси" яратилаётган бўлиб, унга Япония томонидан техник кўмак берилди. Мазкур база 14 мингдан ортиқ қонун ҳужжатларини ўзида қамраб олиб, келгусида ундан кенг жамоатчилик ҳам интернет орқали фойдаланиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида, фуқаролар ҳуқуқий онгининг ошишида, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув чоғида "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси"ни тўлиқ ишга тушириш билан боғлиқ бўлган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, Нишимия жаноблари Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Адлия вазирлигининг "Хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш учун шарт-шароит яратишга ёрдам" лойиҳаси доирасида тадбиркорликка алоқадор миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган тадбирларга юқори баҳо берган ҳолда, мазкур лойиҳанинг фуқаролик ҳуқуқини такомиллаштириш йўналишидаги ишларни янада кенгайтириш юзасидан фикр билдирди.

Учрашув якунида томонлар учрашув натижаларидан мамнун эканликларини билдириб, келгусидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида келишиб олдилар.

Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати

Фахрийлар фахримиз

Кеча Адлия вазирлигида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Анжуманга уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Меҳмонларга Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

* * *

Худди шундай тадбир Тошкент шаҳар адлия бошқармасида ҳам бўлиб ўтди. Унда адлия тизимида фаолият кўрсатган меҳнат фахрийлари иштирок этди. Дастурхон атрофида йиғилганларга эзгу тилаклар билдирилди ва адлия бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

9-may — Xotira va qadrlash kuni

Инсон — азиз, хотираси мўътабар

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шуни айтиш жоизки, Юртбошимиз 1998 йил 9 майда Мустақиллик майдони ва Эзгулик аркасига туташ ҳудудда Хотира майдони бунёд этиш ғоясини ўртага ташлади. **«Ўзбекистонимиз йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб,** — дея таъкидлаган Президентимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан бўлган учрашувда, — **жон олиб, жон бераётганида, ишончим комилки, Европадаги қандайдир қаҳрамон шаҳар учун эмас, авваламбор, ўз уйларини, оқ ювиб, оқ тараган меҳрибон оналарини, севимли ёрини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғу дўсту биродарларини ўйлаган. Ва мана шу инсонларнинг осойишталиги ва келажаги учун жон фидо этган. Бу кун мана шу осмонимизнинг мусаффолиги, ҳаётимизнинг тинчлиги учун урушда қурбон бўлган инсонлар куни, уларнинг хотираси кунидир.**

Агар биз мана шу майдонда уруш қурбонлари хотирасини абадийлаштирсак, ўйлаймизки, жуда савобли иш қилган бўлар эдик».

Юртбошимизнинг бу даъвати бунёдкор халқимиз ғайратига ғайрат қўшди. Икки юз ишчи, устаю муҳандис Бош майдонимизнинг кунчиқар ҳудудида кечаю кундуз бетиним меҳнат қилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ном-нишонсиз, бедарак кетган 450 мингдан зиёд ҳамюртларимиз хотирасини абадийлаштириш уларга куч-қувват бағишлаётгандек эди. Бунёдкорлик ишлари қизғин давом этаётган кунларда Президент Ислом Каримов қурилиш майдонига ташриф буюриб, бунёдкорларга керакли тавсия ва йўл-йўриқлар берди. Таъкидлаш жоизки, ёдгорлик мажмуи миллий меъморий усулда сайқалланди ҳамда Мустақиллик майдони ва Эзгулик аркасига уйғун ҳолда яхлит меъморий ансамбл шаклида бунёд этилди. Қисқа фурсатларда қуриб битказилган мазкур зиёратгоҳ таниб бўлмас даражада гўзал қиёфа касб этди.

Хотира майдони тўрида уруш туфайли оғир кулфатларни бошидан кечирган, жигарбандидан айрилиб, беҳад қайғу-жафо чеккан ва қадди дол бўлган муштипар Мотамсаро она ҳайкали бунёд этилди. Ҳайкал пойига **«Сен доимо қалбимдасан, жигарим!»** деган самимий юрак нидоси битилдики, бу халқимизда азал-азалдан инсон хотираси азиз ва муқаддаслигининг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, майдондаги зарҳал лавҳаларга эл-юрт тинчлиги йўлида жон фидо этган барча ватандошларимизнинг табаррук номлари ёзиб қўйилдики, энди улар чинакамига мангу барҳаётдир, энди улар «номаълум солдат» эмас!

— Бу қутлуғ масканни тез-тез зиёрат қилиб тураман, — дейди тошкентлик Ибодат Аҳмедова. — Кечагидек ёдимда, 1975 йилнинг 7 майида биз, талабаларни шу ҳудудда қуриб битирилган «Номаълум солдат қабри»га гулчамбар қўйиш учун мажбуран олиб келишди. Биз «номаълум солдат» хотираси учун «бир дақиқа сукут» сақладик. Очиғи, ўшанда «исми номаълум, жасорати барҳаёт» солдатга бепарво, ўз ўйхаёлимиз билан уйга қайтгандик. Ушбу зиёратгоҳ барпо этилган кезларда бувим билан ташриф буюрдик. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган раҳматли бобом Мирзаевнинг номлари зарҳал лавҳада ёзилганини кўриб, бувимнинг кўзларига ёш қалқди:

— Мана, буни инсон шаъни, қадр-қимматига эътибор деса бўлади, — деди бувим. — Шўро замонидагидек хўжакўрсинга «номаълум аскар»ни хотирлаш эмас, чинакам юрт фарзандларини номма-ном эсласак, уларнинг пок руҳлари шод бўлиши тайин.

Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига кўрсатилаётган диққат -эътибор фақат шулардангина иборат эмас. Президентимизнинг **«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»**ги Фармони асосида фахрийларни рағбатлантириш яхши анъанага айланди. Бу юртимизда инсон омилига эътибор кун сайин ортиб бораётганининг амалий ифодасидир. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда 18 мингдан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони, 227 мингдан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийси бўлиб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. «Нуроний» жамғармаси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида уруш ва меҳнат фахрийларига 70 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз кексалар, уруш иштирокчилари ва ногиронлари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, ҳалок бўлган жангчилар оилаларига уй-жой коммунал хизматлари учун жами 6169,8 миллион сўм компенсация тўловлари давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди. Бинобарин, Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг соғлиғини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минглаб уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронлар сиҳатгоҳларда ўз соғликларини тиклашмоқда. Жамғарма вилоят бўлимларининг тавсиясига биноан «Нуроний» шифохонаси қошидаги Республика геронтология марказида мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган кекса авлод вакиллари даволашнинг геронтологик усулидан фойдаланган ҳолда даволанади.

Албатта, бу ишларнинг барчаси инсон омилига эътиборнинг амалий ифодасидир. Ҳа, мустақиллик йилларида ўша мустабид тузум даврида фашизм устидан қозонилган ғалаба, дея дабдабаю асъаса билан нишонланадиган сана эндиликда бутунлай ўзгача мазмун-моҳият касб этди. У том маънода эл-юрт тинчлиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз руҳини хотирлаш, уруш фахрийлари ва ногиронлари эъзозланадиган, қадрланадиган кунга айланди.

«Бугун ҳаёт бўлганларни қадрлашимиз, ҳурматини жойига қўйишимиз зарур, — дея таъкидлаганди Юртбошимиз. — **Қадрлаш деганда фақат уруш қатнашчиларига эмас, қарияларимизга, ота-оналаримизга, барча яқинларимизга эҳтиромни тушунайлик».**

Ҳа, халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибат, қадр-қиммат, эъзоз-эҳтиром сингари фазилатларни юксак қадрлайди ва бунга қатъий амал қилади.

Ўтганлар руҳини ёд этиш, атрофимиздаги барча яқинларимизни қадрлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини ҳис этиб яшайлик.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Шогирд эҳтироми

Сила ва ундаги муносабатлар инсон ҳаётининг энг мураккаб томонидир. Таниқли ҳуқуқшунос олим Фозил Отахўжаев бутун умрини бу соҳанинг чигал муаммолари ечимини топиш, жамиятимизнинг ўзига хос сифатларига жавоб берадиган оиланинг ҳуқуқий асосларини яратишга бағишлаган.

Касб турлари хилма-хил бўлиб, ҳар бир касбнинг устаси эл-юрт орасида ҳурмат ва эътиборга лойиқдир. Бироқ барча касблар ичида олим-мураббийлик, ўзининг қадри ва аҳамияти билан ажралиб туради. Чунки бу касб жамият тараққиёти, унинг келажагини белгилайди. Устоз сочган ҳақиқий билим уруғининг ҳосили ҳеч қачон тугамайди ва кейинги авлодлар ҳаёти учун мустаҳкам пойдевор ясайди.

Албатта, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист даражасига етишиш тиришқоқлик, тинимсиз меҳнат ва матонат талаб қилган.

1932 йилда оддий ишчи оиласида таваллуд топган Фозил Отахўжаевдан ёшлигидан ўқишга бўлган қизиқиши, билимга чанқоқлиги билан ўз тенгқурлари орасида ажралиб турарди, - деб эслайди у ҳақда сўз кетганда тенгқурлари. — Унинг ўқиш, балоғат ва касб танлаш йиллари иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги оғир йилларга тўғри келди. Кўпчилик жон сақлаш, мақсадида биронта даромад келтирадиган касбни эгаллашга эътибор қаратган бу даврда — Фозил Отахўжаев биринчилардан бўлиб олий ўқув юртига кириб, олим бўлишга аҳд қилди ва бутун умрини илмга бағишлади.

Халқимизнинг «илм билан шуғулланиш, бамисоли игна билан қудуқ қазишдир», деган мақолини кўпчилик яхши билади.

Домлага хос бўлган меҳнатсеварлик, синчковлик, муаммонинг негизини кўра-билиш унинг ҳаракатлари самарасини белгиловчи омил бўлди. Фан соҳасида маълум даражага эришиб танилганидан сўнг ҳам Фозил Отахўжаев ўз билим доирасини кенгайтириш, муаммоли илмий масалалар ечимини топиш устида тинмай изланишлар олиб борди. У ҳаётининг сўнгги кунларигача қўлидан қаламини қўймади.

Фозил Отахўжаев юридик фанига, хусусан, фуқаролик муносабатлар соҳасига салмоқли ҳиссасини қўшган олимлардан биридир.

Ўзбекистонда оила ҳуқуқи мактабининг шаклланиши ва ривожланиши Фозил Отахўжаевнинг номи билан боғлиқ. У биринчи «Оила ҳуқуқи» дарслигининг муаллифидир. Мустақил ватанимизда оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор ҳуқуқий меъёрларда устознинг фикр ва мулоҳазалари ўз аксини топди. Шу ўринда устознинг Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси» концепциясини ишлаб чиқишдаги фаол иштирокини ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозим. Жамиятимизнинг асоси, бирламчи ҳужайраси бўлган оиланинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш, ундаги миллатимиз, халқимизга хос бўлган анъаналарни замонавий шароитларга мослаштириш масалаларида устознинг хизматлари беқиёсдир.

Шогирдларининг ютуқлари Фозил Мақсудович учун энг катта қувонч ва бахт эди. У таълим берган ўқувчиларининг хизмат бўйича ўсиши, чоп этилган ҳар бир мақоласи ҳақида сўз юритиб, ўз меҳнатларининг самарасидан сидқидилдан қувонарди. Ҳақиқатан ҳам Фозил Отахўжаевнинг кўп йиллик меҳнатлари меваси – минглаб шогирдлари устозлари бошлаган йўлдан бориб, ҳуқуқшуносликнинг илмий ва амалий жабҳаларида халқимизга сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Фозил Отахўжаевнинг 52 йиллик умрини Тошкент Давлат юридик институтида ҳуқуқшунос кадрларни тарбиялашга бағишлади. Ушбу илм даргоҳида шу йил 1 майда устознинг 75 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган "Оила – жамият устуни" мавзуидаги илмий-амалий анжуман унинг хизматлари ва катта илмий меросига муносиб баҳо бўлибгина қолмай, юртимизда савобли анъанага айланган Хотира ва қадрлаш кунига ҳам уланиб кетди.

Саттор ОТАХЎЖАЕВ

Инсон хотираси муқаддас

У кўнгилга мадад, оғир дамларда таскин-тасалли бергувчи олий неъмат... Хотира туфайли яқинларимиз жисман орамизда бўлмасалар-да, руҳан ҳамиша биз билан биргадирлар.

Дадам — Ғайрат Исаевни, айни навқирон, 50 ёшида бешафқат ажал ҳаётдан олиб кетди. У ўзининг қисқа умри мобайнида барчага ибрат бўларли эзгу ишларни амалга оширди. Ҳуқуқшунос сифатида эл-юрт корига яраш, мавжуд муаммоларни бартараф этишни ўзининг инсоний бурчи, деб билди. Дадам меҳнат фаолиятини Тошкент Давлат юридик институтида ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Президент девони, Адлия вазирлиги каби масъул идораларда фаолият юритди. Умрининг сўнгги дамларигача Олий Мажлис Сенатида девон раҳбари лавозимида меҳнат қилди.

Унинг фидойи меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишони ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан мукофотлангани бунинг ёрқин далилидир.

Мен дадам орзу қилганидек, ҳуқуқшуносман. Келгусида худди дадам сингари халқимга, Ватанимга сидқидилдан хизмат қилишга доимо ҳаракат қиламан. Бундан у кишининг руҳлари шод бўлади, деган умиддаман.

Ҳосиятхон ИСАЕВА

Qonunning mohiyati

Ҳомийликнинг ҳуқуқий асоси

(Давоми.Боши биринчи бетда)

Хусусан, 12-модданинг иккинчи қисмига биноан, ҳомийлик ташкилоти тугатилганда, унинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин, қолган мол-мулкидан ташкилот уставида назарда тутилган тартибда ёки, агар ҳомийлик ташкилотининг уставида ўз мол-мулкидан фойдаланиш тартиби назарда тутилмаган бўлса ёхуд қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тугатиш комиссиясининг қарорига биноан ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади.

Мазкур чекловнинг амалиётга татбиқ этилиши, аввало, ҳомийлик ташкилотларидан фойдаланиш орқали мол-мулкни шакллантиришда ҳамда уни муассислар (иштирокчилар) томонидан даромад манбаига айлантирмаслиқда намоён бўлади.

Қонуннинг «Ҳомийликнинг амалга оширилишида давлатнинг иштирок этиши. Халқаро ҳомийлик фаолияти», деб номланган 3-бобида ҳомийлик субъектларига давлат томонидан кафолатлар берилиши, қўллаб-қувватлаш шакллари, уларга бериладиган имтиёзлар, ҳомийлик ташкилоти фаолияти устидан назорат, халқаро ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, халқаро ва чет эл ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳомийлик фаолияти каби масалалар қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунда ҳомийлик ташкилоти фаолиятининг шаффоф бўлишига қўйилган талаблар бошқа нодавлат тижорат ташкилотларига қўйилган талабларга нисбатан кучайтирганини кузатиш мумкин. Хусусан, 16-модданинг бешинчи қисмида, ҳомийлик ташкилоти ўз йиллик ҳисоботларидан эркин фойдаланилишиҳ таъминлашлари лозим, дейилган.

Қонуннинг 17-моддаси ҳомийлар, кўнгиллилар ҳамда ҳомийлик ташкилотларининг халқаро ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш шакллари белгилаган.

Қонуннинг 18-моддасида чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро ва чет эл ташкилотлари ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳомийлар ва кўнгиллилар сифатида фаолият юритишлари мумкинлиги, уларнинг ҳомийлик хайрияларидан мақсадли фойдаланилиши мониторинг олиб бориш ҳамда бундай хайриялардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилиши кўрсатилган.

Амалиётда ҳомийлик ташкилоти ва манфаатдор шахслар, яъни, мазкур ташкилот бошқарув органларининг ходимлари, шу жумладан, мансабдор шахслари, аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёки кредиторлари, шунингдек ўзларининг ҳомийлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлари оқибатида ташкилотнинг мол-мулкини тасарруф қилишга таъсир этиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаат кўриш мақсадида ташкилот билан шахсан ёки ўз вакиллари орқали ҳамкорлик қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ўртасида амалга ошириладиган, ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкини тасарруф этишга дахлдор бўлган, ҳомийлик фаолиятининг манфаатлари ҳамда мақсадларига мос келмаган ёки мос келмаслиги мумкин бўлган битимлар ёки операциялар учраб туриши табиийдир. Шунинг учун Қонуннинг «Манфаатлар тўқнашуви», деб номланган 4-боби 19-моддасида ушбу битимларни тузиш жараёнида, манфаатлар тўқнашуви чоғида юзага келадиган низоларни ҳал этишга доир масалалар белгилаб қўйилган.

Хуллас, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, оиланинг жамиятдаги нуфузи, ўрни ва аҳамиятини оширишдек эзгу мақсадларни ўзида мужассам этадиган хайрли фаолиятга бағишланган **«Ҳомийлик тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида ҳомийлик субъектларининг ўрни ва ролини оширишда, аҳолининг муҳтож қатламларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Нуриддин НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди, доцент

Ona tabiat — qo`riqxona

Коврак кушандалари

ёхуд хорижлик ишбилармонларга ёлланган айрим тадбиркорларнинг кирдикорлари хусусида

Она табиат гўзаллигини унинг бағрида юрган инсонлар теранроқ ҳис этишади. Бироқ шунга қарамай, тан олиб айтиш керакки, ҳозида лоқайдлигимиз, бепарволигимиз оқибатида бу гўзалликка знён етаётганини кеч англаймиз.

Фельетон

Бундан ўн йиллар илгари, эрта баҳорда Бойсундан Термизга бора туриб, Шеробод дарасига етмай Чилонзор, Гулистон каби қишлоқларга туташ яйловларда Самарқанд томонлардан келиб, коврак териб, қопларга жойлаб, олиб кетаётганларни кўриб: «Нима қилишаркан бу сассиқ коврак-ни?», деб ўйлардик. Кейинчалик билсак, ўша сассиқ коврак-нинг шифобахшлиги олдида ҳатто таърифи етти иқлимга кетган женшин гиёҳининг шифобахшлиги ҳам чикора экан.

Март ойининг боши ва апрель ойи ўрталарида коврак илдизидан ниш уриб чиққан ёш новда кесиб олиниб, пиёзга ўхшатиб тўғралиб, озгина туз сепиб, қатиққа аралаштириб истеъмол қилинса, бу ноёб ўсимликнинг ўта шифобахшлигига биринчи кунданоқ киши қойил қолади. Дарвоқе, Бойсун, Шеробод, Денов, Узун, Сариосиё бозорларида эрта баҳордан коврак новдаси сотилади.

Илк новдалари униб чиққанда ковракнинг ҳиди сезилар-сезилмас, таъми бироз чучукроқ бўлади. Мабодо овқатга қўшилса, таом хушхўр бўлиб, иштаҳани очиб юборади. Новданинг ўзи тўғраб истеъмол қилинганда кишининг ўт пуфаги фаолияти бузилган бўлса, тезда аслига қайтади, бўғин оғриғи йўқолади, пешоб йўллари равонлашади. Жинсий органлар фаолиятини яхшилайди, қон айланиш нормаллашади. Шунингдек, юрак хасталиклари билан оғриган беморларда юракнинг жизиллаб туриши бартараф бўлади, уйқу тинч, оромбахш бўлади... Хуллас, ковракнинг хосияти бисёр. Бироқ тиббиётга доир қўлланмаларда бу ноёб ва ўта шифобахш ўсимлик ҳақида маълумотлар, деярли йўқ ҳисоби. Бронхиал астма, сариқ касал, кўк йўтал, диабетга даво, қон кетишини тўхтатади. Иштаҳани очади. Илдизи буйрак оғриғига шифо бўлса, илдиз қайнатмаси бачадон оғриғини босади. Бу улуғ ҳаким Ибн Синонинг ковракка берган таърифидан бир парча, холос.

Халқ табобатида нўхатдек коврак шираси бир қошиқ сувга эритилиб, гижжаси бор болаларга ичирилади. Уч марта ичирилганда гижжа уруғхалтаси билан қўшилиб тушиб кетади. Коврак илдизидан ўсиб чиққан қайин август, сентябрь ойларида пишиб етилади (уни татарон, деб ҳам айтишади). Татарон ичида мочалкага ўхшаган оппоқ рангли юмшоқ момиқ ёққа буланиб, оқшом боғлаб ётилса оёқ оғриқларидан халос қилади.

Ковракнинг илдизидан олинадиган шираси ноёб хислатларга эгалиги боис унга хорижлик тадбиркорлар ниҳоятда ўч. Бундан уч-тўрт йил илгари саноқлигина афғонистонлик тадбиркорлар маҳаллий ишчиларни ёллаб, арзон гаровга коврак ширасини олишарди. Бунга бироз эътибор қилмас, бу ишга уларнинг рухсати борми, йўқми, ҳеч ким суриштирмасди. Кейинги йилларда коврак шираси тўплаш билан шуғулланувчи хусусий фирмалар ёмғирдан сўнг чиққан қўзиқориндек кўпайиб кетди. Энди маҳаллий аҳоли орасидаги айрим ўзбошимча «тадбиркорлар» ҳам шира йиғишга ва уни қора бозорда пуллаб, мўмай пул орттиришга ўтиб олишган.

Аллома бобомиз Ибн Синонинг таърифларига кўра, коврак ўсимлигининг илдизидан «елим-смола» олинади. Бунинг учун ҳали поя чиқармаган ўсимликнинг илдиз атрофи чуқур қилиб ковланади. Сўнгра илдиз кесиб қўйилади. Илдиздан оққан қуюқ «елим-смола» йиғиб олинади ва бу иш ҳар куни, «елим-смола» тугагунча, қайтарилаверади. Қадимда ҳам коврак «елим-смола»сидан жигар, меъда, буйрак, талоқ касалликларини даволашда фойдаланилган. Халқ табобатида «елим-смола»дан томир тортиши, ўпка сили, кўк йўтал, ўлат, тиш оғриғи, балғам кўчиришда, малҳам сифатида фойдаланилган. Афғонистонлик тадбиркорлар ўзлари билан олиб келган асбоблар ёрдамида ҳар бир илдиздан икки килограммгача шира олишади. Коврак илдизининг атрофини бир қарич очиб қўйиш учун маҳаллий аҳолидан юзлаб ёлланма ишчи жалб қилинади. Бир кунлик иш ҳақи ўртача тўрт минг сўмга белгиланган. Айрим хусусий фирмаларнинг бир кунлик шира олишга сарфлаган маблағи ишчиларнинг сонига қараб 500-800 минг сўмгача боради. Фараз қилинг, бир кунга 800 минг сўм сарфланса, шира йиғиш мавсуми уч ой давом этганда қанча маблағ ишлатилади? Албатта, беҳуда эмас. Афғонистонлик тадбиркорлар коврак ширасидан олинадиган фойдани, унинг бозор нархини ниҳоятда сир тутишади.

Ваҳоланки, ўсимликлар дунёсидан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг **«Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикаси олиб кириш ва уни ташқарига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»**ги қарор талаблари асосида иш юритиш лозим. Доривор ўсимликларнинг ёввойи турларини ғамлашга квоталар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади ҳамда техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатномалар Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан берилади.

2006 йил Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Узун туман ҳудудларида сассиқ коврак ширасини териб олиш учун Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси Давлат биологик назорати томонидан Республикамизда рўйхатдан ўтган 8 та юридик ва якка тартибдаги тадбиркорларга рухсатнома расмийлаштириб берилганди.

Бироқ ўзга юртдан келиб, маҳаллий фирмалар билан шартнома тузиб, минглаб гектардаги ковракзорларга қирон солаётганларни кўра-била туриб сукут сақлаймиз.

Афғонистонлик тадбиркорлар тонналаб йиғиштириб олган коврак ширасини ҳиндистонлик тадбиркорларга юқори нархда сотишиб, жуда катта маблағ ишлаб олишаркан.

Ачиниб гапираётганимиз боиси шундаки, илдизидан шираси олингандан сўнг коврак янаги йил қурийди. Коврак ўсадиган яйловда чорва молининг ичагида қурти бўлмайди, мол соғлом, турли хил кассалликларга бардошли бўлади. Шу боисдандир, ковракзор яйлов соҳиблари шира олишга келган тадбиркорларни қувиб солишади.

Масаланинг яна бир нозик томони бор. Замон кун сайин ўзгариб бормоқда. Ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермерлик кенг қулоч ёйди. Фермер ернинг хўжайини. Турли хил гиёҳлар, доривор ўсимлик ва ковракзор яйловга эга бўлган фермер табиат гўзалликларини сидқидилдан сақлашга жазм этармикан? «Ер меники, демак, бу ердаги гиёҳлар ҳам менга қарашли. Хоҳлаган кишига, истаган нархда пуллайвераман» деб турса, бу ўзга юрт тадбиркорларига жуда қўл келиши тайин. Уларнинг бундан устакорлик билан фойдаланишаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, ўтган йили Бойсун тумани Шўроб қишлоғидаги Панжи Бойматов бошлиқ «Уч арча» фирмаси билан тузилган шартномага кўра, хорижлик тадбиркорлар юзлаб гектардаги ковракнинг ширасини олиб, ковракзорларга қирғин солиб кетишди.

Бу ҳам етмагандай, энди маҳаллий аҳоли орасида пайдо бўлган сохта тадбиркорлар ҳам яширинча, рухсатсиз коврак ширасини йиғишга киришиб, ҳар килосини 20 долларгача ўзга юрт тадбиркорларига сотишни йўлга қўйишди.

Шу кунларда коврак ширасини йиғиш билан шуғулланувчи хорижий фирмаларнинг вакиллари ковракзор далаларни изғиб юришибди. Ўтган йили 8 та фирмага рухсат берилган бўлса-да, биргина Бойсун туманида ўндан ортиқ хорижлик тадбиркор яширинча шира йиғиш билан шуғулланаётганини ҳамма билади, бироқ ҳамма негадир сукут сақлайди.

Шира йиғишга туман ҳокими рухсат беради. Ҳоким ҳам юқорининг рухсати бор деб, ўз қарорини чиқаради. Вилоятдаги табиатни қўриқлаш қўмитаси, туманлардаги шу идоранинг бўлимлари қўл қовуштириб, ковракзорларнинг йил сайин камайиб бораётганига томошабин бўлиб турганига ачинасан киши.

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

«Янгиобод ихтисослаштирилган бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти *жамоаси*

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан эл-юрт фаровонлиги ва ватан озодлиги йўлида жон фидо этганларни хотирлайди. Уларнинг охирати обод бўлишини тилайди.

Каттакон йўлга чиқдинг, йўлдошинг бўлай, халқим,
Фарзандингман, қўллайсан, қўлдошинг бўлай, халқим,
Ҳасратинг кўп дилингда, дилдошинг бўлай, халқим,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Яша ва ёдингда тут

Бағрибутунлик

- **Тинчлик ва хотиржамлик улуғ саодатдир**
- **Ватан олдидаги қарздорлик**
- **Раҳм-шафқат ва оқибат, ҳиммат ва ор-номус**
- **Бахт ва бахтсизликнинг чегараси**
- **Яратувчилик ва одамийлик**



Муқаддима

Ҳаётда шундай тоифа бор, қачондир от минган, атрофдагиларни хизматга сафарбар этишга одатланган. Лекин тақдир тақозоси билан четга сурилиб кетган, аммо ҳамон ўша дамларни кўмсайди, отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмайди.

Яқинда шундай кимсалардан бири билан суҳбатлашиб, унинг даъвосини эшитиб, очиғи, таъбим хира бўлди. Нима эмиш, Ўзбекистонда индустрия йўқ эмиш, агар мамлакатни индустрлаштирмасак, тараққиёт бўлмас эмиш!

–Сиз индустрия деганда саноатни кўзда тутаяпсизми? – деб сўрадим ундан, масалага ойдинлик киритиш учун.

–Шундай, – деди у яна ҳужумга ўтиб. – Агар индустрия ривожланса, бизга ўхшаган мутахассислар шу ишга сафарбар этилса, мамлакат гуллаб-яшнаб кетади!..

–Сизни тушунмадим! – дедим эътироз билдириб. – Ўзбекистон саноат мамлакатига айланиб бораётгани кундай равшан-ку! Мамлакатимиз бугун ўзининг автомобиль саноати, олтин, нефть ва газ саноатига эга бўлса, бунинг устига кўпдан-кўп замонавий тўқимачилик корхоналари гуриллаб ишлаб ётган бўлса, бу ёқда Қўнғирот сода заводи, тракторсозлик, самолётсозлик...

–Мен бошқа нарсани назарда тутаяпман, – деди суҳбатдошим менинг шаштимни синдириб. – Хусусий саноатни ривожлантирмасак, иш юришмайди.

–Тўхтанг, – дедим унинг сўзини бўлиб. – Ҳеч бир замонда юртимизда хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорликка ҳозиргидек кенг йўл очиб берилганми? Ҳозир ўзини тадбиркорлик соҳасида синаб кўришни истаган ҳар бир фуқаро учун барча имконият яратиб қўйилган-ку! Қолаверса, улар қонун ҳимоясида...

–Йўқ, мен масаланинг бошқа жиҳатини айтаяпман, – деди у яна бўйин бермай. – Тўғри, тадбиркорлик учун имконият бор, лекин бирон-бир ишни бошлайман десанг, тафтишчиман дегани кўз очирмайди! Ҳали прокуратура, ҳали солиқ, ҳали бошқа бир назорат ходими!..

Хуллас, мен боғдан келсам, у тоғдан келиб, суҳбатимиз дилхиралик билан якун топди. Шунда хаёлимдан: «Нега бу одамнинг кўнгли бунчалар кир?!» – деган фикр ўтди. Тўғри-да, ўзику бир пайтлар амални шахсий манфаат билиб, халқ ризкини талон-торож этгани учун эл-улус назаридан қолган! Лекин ҳамон ўзини доно кўрсатиб, осмондан келади, ҳеч кимга гап бермайди.

Шу юртда яшаб, шу халқнинг фарзанди бўлиб, энг ачинарлиси, кўз ўнгида тараққий топаётган юртнинг, Ватаннинг иқболини кўра олмаслик, унга ҳасад ва хусумат билан қараш учун, билмадим, одам қанчалик тубан бўлиши керак!..

Ана шундай оғир ўйлар гирдобида уйга қайтаётиб, лоп этиб бундан ўн йил муқаддам тасодифан учрашиб, суҳбатлашиб қолганим, Азиза Бабаева деган аёлнинг дарду ҳасрати ёдимга тушди. Мен ўша пайтлар бу аёлнинг аянчли қисмати ҳақида бир мақола бошлаган эдим, лекин нимадир бўлиб, ҳеч уни якунлай олмадим.

У шундай бошланган. *«Агар мен бу аёлни бошқа бир вақт ва бошқа бир вазиятда учратсам, эҳтимол унутиб юборган бўлардим. Ўшанда хизмат сафари билан Навоий шаҳрига борган эдим. Вилоят ҳокимлиги олдида «Мароқанд» чойхонаси бор, шу ерда бир чойнак чой олиб, ҳокимлик соатига кириб кетган вилоят газетаси раҳбари, забардаст журналист Маҳмуд Мардиевнинг йиғилишдан чиқишини кута бошладим. Бир оздан сўнг ҳокимлик қабулхонасидан бир аёл чиқиб келди. У ҳам бир чойнак чой олиб, мен ўтирган столнинг у четига ўтирди. У шу қадар ғам-ғуссага ботган эдики, ҳатто менга эътибор қилмади.*

Эҳтимол, шу боис унинг аҳволу руҳияси хаёлимни банд этди. Аввалига унча қовушмай, узуқ-юлуқ бошланган суҳбат, аёл менинг журналист эканимни билгач, бир ўзанга тушиб кетди. Айтишига қараганда, у тақдир тақозосига кўра, дини бир, тили яқин ўзга элат йигитига турмушга чиққан. Узоқ вақт Ўзбекистондан четда яшаган. Бир ўғил ва бир қизи бор, фақат...»

Ўшанда, бундан ўн йил муқаддам унинг ҳикоясини қандай қоғозга туширган бўлсам, бугун сизнинг эътиборингизга айнан ўша ҳолида ҳавола этаман.

Азизанинг ҳикояси

–Аслида, одам бахтли бўлиши учун унча кўп нарса керак эмас! – деб бошлади у, ўзининг ҳасратли ҳикоясини. – Уйинг-жойинг бўлса, хотиржам ишга бориб келсанг, уйингда қора қозон қайнаб турса, кечқурун бола-чақанг билан ўйнабкулиб чарчоқ ёзсанг, мана шунинг ўзи кифоя, мана шунинг ўзи катта бахт! Афсуски, мен буни жуда кеч тушундим. Тўғри, бундай лаҳзалар ҳаётимда кўп бўлган. Вақтида мен ҳам бахтли бўлганман ва лекин, ана шу бахтнинг қадрига етмаганман. Балки бунга зарурат ҳам бўлмагандир. Ҳозир эса, кўнгил хотиржамлигига талпиниб яшаяпман!..

Тўғриси, ўша кунга қадар бахт ва бахтсизлик ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрмаган эканман. Яхшигина муассасада ишлар эдим. Касбим ўзимга ёқарди, топиш-тутишим ҳам дуруст эди. Эрим ва икки фарзандим билан бахтиёр эдим, гўё.

Бир куни ишдан эртароқ чиқиб, болаларни ҳам боғчадан эртароқ олдим. Хўжайинимнинг ишдан келишига бирон таом тайёрлаш ниятида шошиб уйга қайтдим. Бориб, не кўз билан кўрайки, у уйда бегона бир жувон билан ўтирибди...

Менга энг алам қилгани, улар ўзларини худди шундай бўлиши керакдек тутишди. Эрим менга бу жувонни севиб қолганини, у билан оила қурмоқчи эканини айтди. У ёш ва гўзал эди, лекин...

Алам устида икки боламни олиб, уйни ташлаб чиқиб кетдим. Бунинг нима эканини бошидан ўтказган одам билади...

У ерларда ўзга жонкуярим йўқ эди. Шу боис яна Регарга қайтдим. Қишлоққа боргач, кўрдимки, уйимиз ҳувиллаб ётибди. Ота-онам, укам Ўзбекистонга кўчиб кетишган экан. Озроқ ўша ерда яшадик, лекин бўлмади. Юрт нотинч. Кечаси отишма бўлиб қолса, икки боламни қучоқлаб, тонг отгунча мижжа қоқмай чиқаман. Иш йўқ. Қандай тиришчилик қилишни билмай, тоза бошим қотди. Ана шунда мен тинчлик ва кўнгил хотиржамлиги нақадар улкан бахт-саодат эканини англаб етдим!

Тўғриси, ўша таҳликали палладa ўзимдан кўра икки боламнинг тақдири мени кўпроқ ташвишга солган. Ахийри, болаларимни етаклаб, ота юртим Андижонга қайтдим. Аслида, биз шу ерда туғилиб ўсганмиз, шу ерда мактабни битирганмиз, отамнинг хизмат жойи ўзгаргач, кўчиб кетганмиз.

Йўқ, Андижонда ҳам қўним топа олмадим. Чунки кўчиб кетганимизга ҳам йигирма йилдан ошган эди. Мен билган одамлар ўзи билан ўзи бўлиб, узоқлашиб кетган эди. Қолаверса, таниш-билиш одамларникида бир-икки кун яшаш мумкин, бундан ортиғи ортиқ...

Сўраб-суриштириб, ота-онам ва укамнинг дарагини топдим. Улар Зарафшон шаҳрида яшаётган экан. Маълум бўлишича, ўлкада нотинчлик бошлангач, «Борсам, эл-улус кўкрагимдан итармас!» – деб отам она юртига қайтган экан.

Шундан кейин: «Қайдасан, Зарафшон?!» – деб йўлга тушдим. Ахтариб бориб, уларни топдим. Жигарларим мени кўриб, хурсанд бўлиб кетишди. Яшашлари, туриш-турмушлари ёмон эмас. Ҳеч ками йўқ. Энг асосийси, ҳаммасининг юзкўзида ўша, кўнгилга таскин бағишловчи хотиржамлик ва ҳаётдан розилик ифодаси яққол сезилиб турибди.

Укам кон-металлургия комбинатида ишлаётган экан. Бошимдан ўтган савдоларни эшитиб: «Ғам еманг, опа, пича йиққан пулим бор, сизга ўзим уй олиб бераман», – деди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. «Энди менинг ҳаётим ҳам изга тушиб кетади, қолган умримни фарзандларимга бағишлайман», – деб жуда хурсанд бўлдим. Афсуски, эрта қувонган эканман. Тўғри, укам уй олди ва уни менга ҳадя этди. Лекин уйни расмийлаштириш масаласида шундай бошоғриққа дуч келдимки, у ёқ-бу ёғи йўқ!

Очиғини айтсам, ёшим қирққа кириб, бирон марта ҳужжат ишига аралашган эмасман. Аввалига бундай ишларни отам бажарган. Турмушга чиққанимдан кейин эса бу ишлар билан эрим шуғулланган. Бошга тушганни кўз кўрар экан, энди ўзим елиб-югура бошладим. Рўйхатдан ўтиш учун паспорт столига борсам, идоранинг масъул ходими бир менга, бир қўлимдаги қирмизи паспортга қараб, ҳайрон бўлиб елка қисди. Унинг нима демоқчи эканини англай олмадим. Шу боис:

–Укам уй совға қилган эди, – деб изоҳ бердим. – Мени рўйхатга олиб, уйни ўз номимга ўтказишда ёрдам берсангиз...

–Бунинг иложи йўқ, – деди у. – Чунки сиз бошқа мамлакатнинг фуқаросисиз. Паспортингиз ҳам бошқа мамлакатга тааллуқли. Шунинг учун сизни рўйхатга олиб бўлмайди.

Бошим қотиб қолди. Унинг ўзидан маслаҳат сўрадим. Шунда у:

–Бунинг учун сиз ўша мамлакатга қайтиб бориб, Ўзбекистон фуқаролигини сўраб, элчихонага мурожат қилишингиз керак, – деди.

Баттар умидсизликка тушиб қолдим. Ахир мен элчихонага мурожаат этиш учун ўша оғир ва ҳасратли йўлларни яна бир қайта босиб ўтишим керак эди. Қолаверса, шуни истаган тақдирда ҳам, ёнимда сариқ чақа қолмаган.

Нима қилишни билмай қийналиб юрганимда бир адлия ходими яхши маслаҳат берди.

–Бу ишни ортиқча оворагарчиликсиз ҳал қилса бўлади, бунинг учун сиз Фуқароларнинг четга чиқиш-келишини қайд этиш бўлимига мурожаат этинг, – деди у.

Мен шундай қилдим. Бугун-эрта рухсат тегар, лекин қийин бўлар экан. Қаерга иш сўраб мурожаат қилсам, «Бизга сиздай мутахассислар жуда керак, афсуски, бошқа мамлакатнинг фуқароси экансиз», – дейишади. Қизимни мактабга жойлаштириш масаласида ҳам худди шундай муаммога дуч келдим...

Бу – ўз йўлига. Чунки Ўзбекистон қонунлари ҳеч кимнинг, ҳатто, у хорижлик, бунинг устига бошқа миллат вакили бўлса ҳам, ҳақ-ҳуқуқлари топталишига йўл қўймайди. Бунинг гувоҳи бўлдим, аммо фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмасанг, худди айбдорга ўхшаб қолар экансан!

Бу ҳам яхши, бу ҳам давлатга ва унинг ҳуқуқий асосларига, тартиб-қоидаларига нисбатан ҳурмат уйғотади. Аммо мана шундан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, сунъий қийинчилик туғдираётганлар ҳам йўқ эмас!

Лекин мени қийнаётган бу эмас! Гоҳо кечалар ухлаб ётган болаларимнинг чеҳрасига қараб, юрак-бағрим эзилиб кетади. Чунки мен уларни момоларимиздан қолган улуғ қўшиқ – алла айтиб эмас, аксинча, «баю-баю», деб ўстирганман. Тарбиялари, ўзларини тутишлари тамомила бошқача. Улар вояга етгач, кимга турмушга чиқиб, кимга уйланади-ю, турмушлари қандай кечади?! Вақти келиб, ўзимга ўхшаб, ўз эли, ўз юртида қўзиқориндек омонат туриб қолишмайдими, деган ўй ич-этимни кемирарди.

Ўзим ҳам, уларнинг ёшида, отамнинг хизмат машинасида мактабга бораётиб, кўйлак-лозим кийган, сочларини майдалаб ўриб, дарсга кетаётган тенгдош қизларни кўрсам, ўзимча, қолоқ деб қулганман. Орадан йиллар ўтиб, Андижонга қайтгач, ўша, ўзим қолоқ деб ўйлаган, тенгдош қизлардан бири – Ойсулувнинг уйида учтўрт кун меҳмон бўлдим. У бизга ён қўшни эди. Яқинда келин туширган экан. Бир ҳовлида ҳам ўзлари, ҳам икки ўғли оиласи билан истиқомат қилар экан. Аввал бошда: «Шу, одамларимиз ҳам қизиқ-да, бир ҳовлига қўш келин туширади-ю, уйида на рангли телевизор, на видео бор», – деб ўйладим.

Эрталаб туриб қарасам, ҳовли, ҳаттоки, кўча ҳам чинниданй қилиб супуриб-сидирилган, сув сепилган, саранжом-сариштa. Яна денг, аллақачон чой дамлаб, дастурхон тузаб қўйишибди. Ҳаттоки, кечқурун мен ва болаларим ечиб қўйган кийимларгача ювилиб, дазмолланган. Ваҳоланки, ўша келинлар ярим кечагача биз билан суҳбатлашиб ўтирганди. Қачон туришди-ю, қачон бунча ишни саранжом-сариштa қилишга улгуришди, ҳайронлар қолдим. Ана шу ҳолатни, меҳрибонликни, саришталикни ва озодаликни кўриб юрагим узилиб тушгандай бўлди. Агар эрта бир кун Ойсулув меникига меҳмон бўлиб келса, қизим-ку қизим, ҳатто ўзим ҳам унга ана шундай иззат-икром кўрсата олмайман! Йўқ! Йўқ! Бу асло менинг ёки қизимнинг уқувсизлигидан эмас. Биз бор-йўғи ўз суми ва таомилини яхши билмаймиз!..

Бу – ўзини англаган, жуда бўлмаса, ўзини англаш учун ҳаракат қилаётган инсон учун жуда-жуда оғир юк...

Ўшанда ўзим гувоҳ бўлган яна бир воқеа менга қаттиқ таъсир қилган.

Ойсулув кенжа келинини шаҳардаги уйига кўчириб, рўзғорини алоҳида қилмоқчи экан. Кечқурун қўлини кўксига қўйиб қудаси, дастурхон кўтарган қудағайи эшикдан кириб келдилар. Уларнинг чеҳралари шу қадар очиқ эдики, гўё улар билан бирга хонадонга ўзгача бир файзу тароват кириб келгандек бўлди. Алламаҳалгача чой ичиб, чақ-чақлашиб ўтирганимиздан сўнг, келиннинг онаси Ойсулувга юзланди:

–Биз сизга бир ўтинч билан келдик, қудағай! Куёвимиз билан қизимизни иззат қилиб, янги уйга чиқарадиган бўлибсизлар, бунинг учун сизларга минг бора қуллуқ. Лекин биз бир андишанинг юзидан ўта олмай, маслаҳатлашгани келдик.

–Нима андиша, қудағай? – деб сўради Ойсулув.

–Айланай сиздан, янги уйга бизнинг қизимиз эмас, катта келинингиз чиқса, – деди аёл қўли кўксида, тавозе билан. – Ахир, бизнинг қизимиз ҳам бир-икки йил хизматингизни қилиб, этга тирноқ бўлиб битсин, дуо-ойингизни олиб, шу хонадонда ували-жували бўлсин, кенжангизга келин туширганингизда янгалик қилсин, ана шундан кейингина рўзғорини бўлак қилсангиз, эл-юртнинг олдида бизнинг юзимиз ёруғ бўлади...

Шунда мен худди бўлак бир дунёга келиб қолгандек сездим ўзимни. Ахир, эрта бир кун мен ҳам қиз чиқараман, келин туширaман. Кимдир қуда, кимдир қудағай бўлади. Уларга қандай муомала, қандай расму русм қилишни билмай, бир четда қўл қовуштириб ўтирсам, уят бўлмайдими?..

Мана шулар ҳақида ўйласам, юрагим эзилиб кетади. Биз рок мусиқа жазавасида осмонга сапчиб юрган ёш-яланг вақтимиз ёзувчи Валентин Распутин: ***«Агар Пушкин болалигида Арина Радионовнанинг эртакларини тинглаш ўрнига ҳозир русум бўлган эстрада қўшиқларини эшитиб ўсганида, шубҳасиз, у Пушкин эмас, балки Дантес бўлар эди»***, – дегани ёдимда. Тўғрисини айтиш керак, ўша пайтда биз ёзувчининг фикрини ўқиб, «Ахир Арина Радионовна ўша замонда эстрада бўлмагани учун Пушкинга эртаклар айтиб берганку!» – деб кулганмиз. Энди орадан шунча вақт ўтиб англяпманки, ўшанда Валентин Распутин ёшлар тарбияси ҳақида, ларни маънавий майиб этувчи иллатлар ҳақида куюниб, асосли таъна қилган экан.

Мисол учун, менинг болаларим, ҳозир вақт топди дегунча «ужас» фильм кўришади. Бузғунчилик, жангарилик ҳақида. Улардан: «Бунинг нимаси яхши?» – деб сўрасам, кифтини қисиб: «Қизиқ-да, ойи», – дейишади. Телевизорни ўчириб қўйсам, хафа бўлишади. Тақиқласанг, яширинча кўришади. Одамга алам қиладигани, уларга бу фильмлар Пушкин каби олижаноб қалб билан дунёга келган одамни Дантесга айлантириб юбориши мумкинлигини ҳеч англатиб-тушунтириб бўлмайди. Чунки бир пайтлар ўзимиз ҳам шунга ўхшаш кинoларни кўрганмиз, валсга тушганмиз, улар шунинг гувоҳи бўлиб улғайган. Мен бундай кўриб, қулоқ эшитмаган қандай ғурбатларни ўз ортидан эргаштириб келишини мана энди англаяпман. Менинг куюб-пишганимни кўриб, отам мунғайиб қолади. Сиқилади.

Бир куни кўчадан келсам, болалар яна шундай фильм кўришаётган экан, жаҳлим чиқиб кетди. Кассетани олиб, деразадан кўчага улоқтирдим. Ўғлим тўнғиллади, қизим йиғлади. Уйда нотинчлик бошланди.

Кечга томон отам мени ёнига чақириб:

–Она қизим, – деди хижолатли, мулзам оҳангда. – Болаларингни кўп койима! Уларга айтган ҳар бир гапинг менинг юрагимга тиғдек ботади! Сен билмайсан, айб уларда эмас, аслида мен айбдорман! Чунки сен уларни эмас, балки вақтида мен сени қайтаришим керак эди. Начора. Бир замонлар рус киборлари, ҳаттоки, Пушкин, Лев Толстой каби улуғ сиймолар ҳам француз тилида сўзлашишни оқсуяклик аломати, деб билишган. Шунга амал қилишган. Шунга ўхшаб биз ҳам яқин ўтмишда ўзимизнинг тилимиз, урф-одатимиз, расм-русумимиз бир четда қолиб, Европача турмуш тарзига берилиб кетдик, сизларнинг келажагингизни, бахтингизни шунда кўрдик ва шу йўлга солдик, ҳатто бундан ғурурланиб юрдик. Бир кун келиб, бу хомхаёл шундай аччиқ таъна бўлиб қайтишини туш кўрибманми, она қизим!..

Отамнинг кўксига бошимни қўйиб, йиғлаб юбордим, у эса менинг сочимни силаб:

–Қўй, кўп куюнма, – деди. – Шунча куйганинг етар, она қизим! Энди ўзингни қўлга ол! Худога шукур, икки фарзандинг бор. Шуларнинг бахтига соғомон бўл! Улардан ширин гапингни аяма! Яхши одамларга қўш! Мана, кўрасан, улар ҳаётда ўз йўлларини топиб кетишади!..

Ўн йилдан сўнг...

Юқорида айтганимдек, Азизанинг ушбу ҳикоясини ўн йил муқаддам қоғозга туширган эдим. Ўйлаб қарасам, ўшанда унинг ҳасратини ёзаётиб, юрагим эзилиб кетган, шу боис сўнгги нуқта қўйишга сабрим етмаган экан. Ахир, бу ҳаёт фақатгина ташвиш ва ғурбатдан иборат эмас-ку!

Шоир айтмоқчи, инсон фақат иродасини синамоқ учун яшамайди, бу оламда!

Ҳар бир соғлом инсон, ҳар бир покиза кўнгил доимо ёруғликка талпиниб яшайди.

Мана шулар ҳақида ўйлаганда, беихтиёр давлатимиз раҳбарининг ўтли бир даъвати ҳаёлдан ўтади.

«Ҳар бир ота-она фарзанди билан астойдил суҳбат қилишга фурсат топа олмоғи керак! Ахир улар бизнинг наслимиз, келажагимиз. Бинобарин, фарзандга худди ниҳолдек қараш ва уни муттасил парвариш қилиш зарур. Ана шунда ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади».

Ҳақиқатан ҳам, ёш авлодга кўрсатилган меҳр ва муҳаббат ўз маҳсулини беради.

Руслан Чагаевнинг, Рустам Қосимжоновнинг бокс ва шахмат бобидаги оламшумул ғалабалари бунинг ёрқин мисоли эмасми?!

Диана Зияутдинованинг мумлқимизга хос бўлган ана шу олижаноб фазилатлар қуёш янглиғ доимо ҳаётимизни нурлантириб туради.

Мана шу ҳиммат ва саховат ўша оғир даврда Азизага ўхшаган минглаб инсонлар қаддини ростлаб олишига, ҳаётдан ўз ўрнини топиб кетишига замин яратган бўлса, ажаб эмас.

Халқимиз Президент Ислом Каримов бошчилигида гўзал фазилатлар соҳиби бўлган ўғил-қизларимиз муносиб тарбия олиб, камол топсин деб, ўша оғир йилларда бунёд этган таълим ва тарбия муассасаларини бир кўз олдингизга келтиринг! Улар хорижнинг манаман деган олий ўқув юртлари иморатидан асло қолишмайди.

Ўтган ўн олти йил давомида диёримизда қанчадан-қанча мўътабар зиёратгоҳлар обод этилди, янги ва муаззам обидалар ва маҳобатли иншоотлар, кўркам йўллар ва кўприклар бунёд этилди, она юрт ободлиги йўлида буюк ва бетимсол ишлар амалга оширилди. Бу – тараққиёт эмасми?!

Агар шоирона ташбеҳ қиладиган бўлсак, ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда она Ўзбекистон муаззам ва муҳташам осмонўпар иморат каби қад ростлади! Шу ҳақда ўйлаганда, тўқсонинчи йиллар бошида уруш гирдобига тортилган халқимизнинг юрагига олов солиб, бунёдкорликка, қуриш ва яратиш ишига сафарбар этган, унинг қадрибаланд, бағрибутун эканини дунёга кўз-кўз этиб келаётган Юртбошимиз сиймоси хаёлимда жонланади, ўзимни қарздордек ҳис этаман!

Устоз шоиримиз айтганидек, *«Биз ҳақиқатни айтишни маддоҳлик деб билмаслигимиз керак! Ота-онага иззат-ҳурмат кўрсатиш, она Ватанни севиб ардоқлаш, жондан азиз халқини, беқиёс аждодларини улуғлаб, мўътабар заминни обод этаётган Йўлбошчининг хизматини эътироф этиш асло хушомад эмас, балки дилдаги меҳр ва эҳтиромни изҳор этишдир!»*

Зеро, фидойи инсонларнинг оғир ва заҳматли меҳнати туфайли, бугун она юртимизда ҳаётнинг ўзи том маънода тарбияга ва тараққиётга айланди!

Агар кейинги йилларда амалга оширилган борлиқ ўзгаришлар бир бутун ҳолича хаёлингдан ўтса, шундай оққўнгил, қўли гул, юрагида ўти бор элулус олдида, обод ва маърифатли, табаррук ва муаззам она Ватан олдида қарздор эканингни, бир сўз билан айтганда, фарзандлик бурчингни янада чуқур ва теран англайсан, киши! Ва шундай мўътабар заминда туғилиб ўсганинг, шундай беқиёс халқнинг, шундай бағрибутун миллатнинг фарзанди эканингдан кўксинг ғурурга тўлиб, Яратганга шукрона айтасан!

Азиза айтмоқчи: *«Бу нотинч дунёда теварак-атрофингдаги одамлар меҳрини сезиб яшашдан ва ҳар бир кунингни яратувчилик иши билан бошлашдан ортиқ бахт борми, ахир!»*

Шу ҳақда ўйласам, ота-боболаримизнинг: «Илоё, бағринг бутун бўлсин, болам!» – деган дуоси хаёлимдан ўтади...

Хотима

Хуллас, бир ичиқоранинг таъма ва хусумати сабаб, ўн йил қоралама ҳолида ётган Азизанинг ҳикояси ниҳоят якун топди. Кошки ўша нокаснинг аслида кимлигини, қандай одам эканини билмасам экан.

Мустақиллик эълон қилиниб, ёш давлатимиз энди оёққа тураётган паллада у вилоятнинг масъул амалдорларидан бири эди, шунда қурила бошлаган тўқимачилик қўшма корхонасига ажратилган маблағни ямламай ютиб юборди, яна яширин цех очиб, техник спиртдан ясама ароқ чиқарди ва кўпдан-кўп одамнинг умрига зомин бўлди...

Туманга ичимлик суви олиб келиш учун ётқизилган қувурларни ҳеч тап тортмай пуллаб юборди...

Ва ахийри, шарманда бўлиб ишдан кетди. Лекин ҳамон эгардан тушмайди. Яна шу ҳолига оқни қора, қорани оқ деб, мудом сувни лойқалатиб юради.

Э-э, нимасини айтасиз! Одамлик сиёқи бўлса экан!..

Бундайлар, афсуски, жуда яшовчан бўлади, лекин ҳаётда яхшилар ғоятда кўп ва дунё шулар билан обод, олам шулар билан кўркли.

Биз ана шу яхшиларнинг, бағрибутун инсонларнинг шарофати билан оғир ва мураккаб даврда тўсиқ ва қийинчиликларни, ваҳҳобийлик, ҳизбут таҳрир ва терроризм каби турли балою офатларни енгиб ўтдик, бугунги ёруғ ва munaввар, файзли ва тароватли, муҳташам кунларга етиб келдик.

Шу маънода, улуғ шоиримиз айтгани каби:

Жанггоҳларда жон берган
боболарни унутманг,
Бошоқ териб нон берган
момоларни унутманг.
Эътиқод, иймон берган
дуоларни унутманг,
Фақатгина халқ яшар,
фақатгина қолур халқ.

Бунга қўшимча қилиб, яна шуни айтиш керакки, ризқимизни улуғ, насибамизни бутун қилган марҳаматли Яратганни ҳам унутмайлик!

Ислом ҲАМРО

Qonun talabi

Холислик ва ҳаққонийлик

Юртимизда кенг қулоч ёйган фермерликни ҳар томонлама ривожлантиришга, жумладан, фермерлар манфаатларини қонуний йўллар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада бу тизим қишлоқдаги туб ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишида, қишлоқларда турмуш шароитининг юксалишида асосий ўрин тутмоқда. Зеро, аввало, ўз ерини чин дилдан севган ҳақиқий фермерлар ҳамқишлоқлари турмуш тарзига ҳам бефарқ бўлолмайди. Буни қишлоғида мактаб ёки боғча қураётган, ёрдамга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатаётган фермерлар мисолида кўриш мумкин.

Юртбошимиз раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аслида шу. Бундай натижаларга эса фермер хўжалигини ташкил этиш ва уларга ер ажратишда адолат тамойилига қатъий амал қилинган жойлардагина эришиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ-215-сонли ва 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли қарорларига асосан ўтган йилда 666 та ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш белгиланган эди.

Қайта ташкил этилаётган ширкат хўжаликлари ер майдонларида 74 856 та лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ушбу лойиҳаларга жами 186 мингдан ортиқ фуқаролардан фермер хўжалиги ташкил этиш учун аризалар келиб тушди, яъни ўртача бир ўринга 2,4 тадан аризалар тўғри келади.

Юқоридаги қарорлар асосида жойларда фермер хўжаликларини ташкил этишда даъвогарлар ўртасида очиқ ва ошкора танловлар ўтказилиши, ғолибларни аниқлашда холислик ва ҳаққонийлик таъминланиши лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилган эди. Бироқ текширишлар жараёнида адлия органлари томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 349 та тақдимнома киритилиб, ушбу тақдимномаларга асосан қайта ташкил этиш комиссияларининг ноқонуний чиқарилган 147 та қарори, 85 та лойиҳаси ва 115 та ноқонуний ўтказилган танловлар бекор қилинди. Шунингдек, ушбу тақдимномаларга асосан 100 нафар айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди ва 35 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Бундан ташқари, ўтказилган танловларда йўл қўйилган қўпол қонунбузилишлар юзасидан жиноий жавобгарликка тортиш бўйича прокуратура идораларига 51 та таклифлар киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ-514-сонли қарорига асосан эса 329 та қишлоқ хўжалик корхоналари қайта ташкил этилиши белгиланди.

Ҳукумат раҳбарининг топшириғига асосан қайта ташкил этиладиган ширкат хўжаликларида амалга оширилаётган тадбирлар қонунийлигини таъминлаш мақсадида вазирлик ходимларидан вилоятларга масъул ходимлар бириктирилди. Худди шунингдек, ҳар бир қайта ташкил этилаётган ширкат хўжаликларига ҳудудий адлия бошқармалари ходимларидан ҳам масъуллар белгиланди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, қайта ташкил этилаётган хўжаликлар ер майдонларида 25 210 та лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу лойиҳаларга жами 96 607 та аризалар келиб тушди, яъни ўртача бир ўринга 3,8 та ариза тўғри келди. Бу эса аҳолининг фаоллиги ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 1,4 баробарга ошганлигини кўрсатади.

Шунингдек, юқоридаги қарор ижросини таъминлаш бўйича Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан ўтказилган ўрганишларда қайта ташкил этиш жараёнида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш ва айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш юзасидан 168 та тақдимномалар ва қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 615 та огоҳномалар киритилди. Уларга асосан 90 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 3 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Қўпол қонунбузарликларга йўл қўйган айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича прокуратура идораларига 33 та таклифлар киритилди. Киритилган таклифларга асосан 8 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Масалан, Бухоро вилояти Вобкент туманида қайта ташкил этилган "Зарафшон" ширкат хўжалигининг 6-лойиҳасидаги 23 гектар ер майдонида ўтказилган танловда талабгор А.Олимов танлов комиссиясига Бухоро қишлоқ хўжалик техникуми томонидан пахтачилик агрономи малакаси бўйича 1989 йил 21 июнь куни Щ-№ 542727 рақами билан сохта диплом тақдим этганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят прокуратурасига жиноий иш қўзғатиш тўғрисида таклиф киритилган.

Вилоят прокуратураси томонидан Вобкент тумани "Кумушкент" ҚФЙда яшовчи фуқаро А.Олимов томонидан танлов комиссиясига сохта диплом тақдим қилганлиги ҳолати юзасидан 2007 йил 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят иши юзасидан Вобкент туман прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Сурхондарё вилояти Денов тумани "Охунбобоев" ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясига фуқаро О.Мелиқулов "А.Рўзиев" номли фермер хўжалигида ишламаган бўлса-да, меҳнат дафтарчасига фермер хўжалигида ишлаган деган сохта маълумотлар киритиб, комиссияга қалбаки меҳнат дафтарчасини тақдим этганлиги юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан 2007 йил 9 март куни вилоят прокуратурасига киритилган таклифга асосан, 2007 йил 20 март куни фермер хўжалиги бошлиғи А.Рўзиевга нисбатан Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми ва ушбу кодекснинг 228-моддаси 3-қисми билан Денов туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қачонки ер ўз эгасини топса, ернинг тилини биладиган, у билан тиллаша оладиган фуқаролар қўлига тегса, шундагина фермерлик ҳаракати ривожланади ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёни юксак даражага етади.

Жаҳонгир СУЛАЙМОНОВ,
Адлия вазирлиги ходими

Qutlov

«Олтин қалам» соҳиблари

Ислом Ҳамро — 1966 йил 26 январда Хатирчи туманининг Шароф Рашидов номли хўжалигида туғилган.

Таниқли шоир — «Жаҳонгирнинг қайтиши», «Сўз» каби достонлар, «Шоир бўлдик сендан айрилиб» шеърий тўплами ва қатор публицистик асарлар муаллифи. Айни кунларда ижодкорнинг навбатдаги «Онамга мактублар» шеърий тўплами чоп этишга тайёрланмоқда. «Мустақилликнинг 10 йиллиги» кўкрак нишони, «Шуҳрат» медали соҳиби — ҳамжамоамиз Ислом Ҳамро «Олтин қалам» иккинчи Миллий мукофоти учун ўтказилган Халқаро танловда «Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материаллар учун» номинациясини қўлга киритди.

Газетамиз жамоаси ҳамкасбимизни самимият ила ушбу улкан ижодий муваффақият билан қутлар экан, унга келгуси ишларида ҳам зафар ёр бўлишини тилаб қолади.

Абдулла Собиров — 1948 йил 17 мартда Хазорасп туманининг Мухамон қишлоғида туғилган.

Ўзбекистон Миллий университетининг (собиқ ТошДУ) журналистика факультетида таълим олган.

«Туямўйин ва туямўйинликлар» китоби муаллифи. Ўзбекистон Республикасининг 1 йиллиги ва 10 йиллиги эсдалик кўкрак нишонлари, «Шуҳрат» медали соҳиби бўлмиш серқирра ижодкор ҳамкасбимиз «Олтин қалам» иккинчи Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда «Энг яхши журналистик материал учун» номинацияси бўйича 3-ўринга сазовор бўлди.

Ушбу юксак ижодий муваффақият билан газетамизнинг Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири Абдулла Собировни самимий қутлаймиз.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА ТАҲРИРИЯТ

Jurnalist surishtiruvi

Мактабдаги машмашалар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»лиги кўрсатиб ўтилган. Мазкур конституциявий қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳуқуқий нормаларга кўра, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси таҳририятига ҳам кўплаб таклиф, ариза ва шикоятлар келиб турада. Бу эса бир томондан юртдошларимизнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончлари тобора ортиб бораётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан таҳририят ходимларига журналистик маҳорат, бурч ва масъулият юклайди.



Маълумки, халқимиз мактабни таълим-тарбия маскани ҳисоблайди. Чунки мактаб — фарзандларимиз ҳар томонлама билимдон, маънавий етук, катта ҳаётга йўлланма оладиган таълим-тарбия ўчоғидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар туфайли бугунги кунда мактаб — том маънодаги зиё масканига айланди.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XI-сессиясида сўзлаган **«Қонунларимиз инсон манфаати учун хизмат қилсин»**, деб номланган нутқида, ўқитувчилар, тарбиячиларнинг шарафли касби ҳақида гапириб, шундай деган эди: **«Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди?».**

Тошкент вилоят Пискент туман Муротали қишлоғида яшовчи Йўлдошева Хуснининг таҳририятимизга йўллаган шикоят аризаси билан танишиб чиққач, кўнглимизда «наҳотки таълим-тарбия маскани низолар, можаролар жойига айланса, наҳотки шарафли касб эгаларининг ўзлари тарбияга муҳтож бўлсалар, мансабпарастлик, ўзбўлармонлик касалига мубтало бўлиб, касбий маданиятни, ўзаро ҳурмат-оқибат каби ахлоқий тушунчаларни унутсалар?» каби бир қатор жавобсиз саволлар пайдо бўлди. Келинг, аввало, ўқувчиларимизни шикоят хатининг қисқача мазмуни билан таништириб ўтайлик.

«Марҳум турмуш ўртоғим Йўлдошев Илҳом ўн саккиз йил давомида Пискент туманидаги 23-умумтаълим мактабида директор лавозимида ишлади, — деб ёзади Ҳ.Йўлдошева. — Туман халқ таълими бўлими мудири Баҳодир Ниёзов турмуш ўртоғим И.Йўлдошев меҳнат таътилида бўлган вақтида унга тазйиқ ўтказиб, ишдан бўшаш ҳақидаги аризага қўл қўйдирган. 2006 йилнинг 9 декабрь куни Ҳайдарова Ҳидоят (23-мактабнинг ўқув ишлари бўйича илмий мудири) Илҳом ака чақириб, унинг шаънига тегадиган гапларни айтган ва ишдан бўшашини талаб қилган. Бундай ножоиз гаплар ва мактабдаги носоғлом муҳитдан таъсирланган Илҳом Усмонович уйга келиб, эллик ёшида юрак хуружидан 10 декабрь куни тўсатдан вафот этди... Турмуш ўртоғимни юрак хуружи даражасига олиб борган ва маънавий азият чекишига сабабчи бўлган, Қодирова Дилором (23-мактабнинг ҳозирги директори) ва Ҳайдарова Ҳидоятга нисбатан текширув ўтказиб, адолат қарор топишида ёрдам берасизлар, деган умид билан Йўлдошева Хусния. 19.04.07 йил».

Албатта, турмуш ўртоғидан бевақт ажраб, беш нафар фарзанд билан ёлғиз қолган муштипар аёлнинг хатида келтирилган важлар ҳақиқатга нечоғлик яқин-йироклиги ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Эндиликда ўз тасдиғини топиши қийин бўлган «айблов»га олий ҳакам — диёнат ва иймондир. Очиғи, Ҳ.Йўлдошеванинг шикоят аризасига илова тариқасида юборган Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғининг икки хати бизни таажжубга солди. Шу сабабли бу хатларни аслича келтиришни лозим топдик.

«9.02.07. № 01-114
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигига
Нусхаси: Пискент тумани Муратали қишлоғи, 23-мактаб Ҳ.Йўлдошевага

Сизнинг 29 январь 2007 йилдаги 03-152-сонли хатингизга жавобан Пискент тумани Муратали қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳ.Йўлдошеванинг турмуш ўртоғи ноҳақ ишдан озод қилинганлиги тўғрисидаги аризаси бошқарманинг масъул ходими томонидан жойига чиқиб ўрганилди. Ўрганиш жараёнида аризада келтирилган важлар ўз тасдиғини топмади...

Бошқарма бошлиғи
(имзо ва муҳр) Ю.Шарипов

Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси
«28-сонли» Буйруқ
«9» февраль 2007 йил

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига Тошкент вилояти Пискент туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактаби собиқ директори И.Йўлдошевнинг ишдан ноҳақ четлаштирилганлиги тўғрисида унинг турмуш ўртоғи Ҳ.Йўлдошева томонидан ёзилган шикоят хати ўрганиб чиқилганда, туман халқ таълими бўлими ходимлари ҳамда мактаб раҳбарлари ва педагогик жамоа томонидан қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида бу каби хато ва камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш масқадида

БУЮРАМАН:

1. Пискент туман халқ таълими бўлими мудири Б.Ниёзов огоҳлантирилсин.

2. Ходимлар билан ишлаш мутахассиси М.Ахатовага Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддаси 1-бандига асосан «ҳайфсан» эълон қилинсин.

3. Пискент тумани халқ таълими бўлими мудири (Б.Ниёзов)га:

- халқ таълими бўлими томонидан тумандаги 23-умумий ўрта таълим мактаби фаолияти етарлича назоратга олинмаганлиги кўрсатиб ўтилсин;

- 23-умумий ўрта таълим мактаби ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳ.Ҳайдарова лавозимида қолиш ёки қолмаслик масаласи кўриб чиқилсин;

- 1 ҳафта муддатда мактабдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда соғлом муҳитни яратиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин;

- 1 мартгача амалга оширилган ишлар юзасидан тўлиқ маълумот тайёрланиб, вилоят халқ таълими бошқармасига топширилсин.

3. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш бошқарма бошлиғи ўринбосари А.Зокиров зиммасига юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи
(муҳр ва имзо) Ю.Шарипов

Кўриниб турибдики, биринчи хатда Ҳ.Йўлдошеванинг вилоят халқ таълими бошқармасига ёзган шикоят аризасида келтирилган важлар ўз тасдиғини топмаганлиги айтилади. Иккинчи буйруқда эса, айнан мазкур шикоят ариза ўрганиб чиқилганда, аниқланган хато ва камчиликларнинг бартараф этиш ҳақида сўз боради. Бу бир-бирига зид бўлган фикрлар мантиққа унчалик тўғри келмаса-да, ноҳуш ҳолатлар бартараф этилишига кишида умид уйғотади.

Лекин журналист суриштируви ўтказиш мақсадида Пискент туманида бўлиб, халқ таълими бўлими мудири Баҳодир Ниёзов билан учрашганимизда, у 23-мактабнинг собиқ (марҳум) директори И.Йўлдошевнинг меҳнат таътилига чиқиш ва ишдан бўшаш ҳақидаги аризаларини кўрсатмагани каби, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ю.Шариповнинг юқоридаги, 2007 йил 9 февралдаги 28-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш ҳақидаги маълумотларни ҳам бизга номаълум сабабларга кўра, кўрсата олмади.

Шундай бўлса-да, вақтини аямай, биз билан 23-мактабга ташриф буюргани учун у кишидан миннатдор бўлдик. Лекин мазкур мактабдаги биринчи мулоқотдаёқ кўзга ташланган носоғлом муҳит таъбимизни хира қилди.

Мактаб раҳбарияти ва 20 нафар ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган суҳбат чоғида 15 нафарга яқин ўқитувчи мактабдаги носоғлом муҳит, мактаб жамоаси ўртасидаги аҳиллик, ўзаро ҳурмат ва касбий маданият йўқлиги каби салбий ҳолатлар ҳақида куюниб гапиришди... Шу ўринда И.А.Криловнинг «Чўртанбалиқ, оққуш ва қисқичбақа» ҳақидаги масали ёдимизга тушди-ю, лекин бу масали таълим-тарбия масканидек улуғ даргоҳга нисбатан қўллашга ботинолмадик. Шунингдек, сўзга чиққан ўқитувчиларнинг мактаб директори «қаноти остида» бўлган илмий мудирнинг эгаллаб турган лавозимига нолойиқ экани бўйича билдирилган фикрларини ҳам батафсил ёзишни баъзи бир андишаларга кўра, лозим топмадик. Бизни 23-мактаб директори Д.Қодирова нима сабабдан жамоа фикри билан ҳисоблашмаётганлиги эмас, балки нима учун таълим-тарбия масканида ўзаро тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик муносабатларини қарор топтиришга уринмаётганлиги кўпроқ ташвишга солди. Туман халқ таълими бўлими мудири Б.Ниёзовнинг баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган, таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёни қизғин паллага кирган бир пайтда 23-мактабда нохуш ҳолатлардан бехабарлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг буйруғида келтирилган ҳолатлар ижросини таъминлаш негадир пайсалга солинаётганлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Шу ўринда бир-бирига беихтиёр уланиб кетган масъулиятсизлик ва бизга қоронғу бўлган ҳолатлар ечимини ёритишни тегишли мутасадди идоралар эътиборига ҳавола этсак-да, Пискент тумани 23-ўрта мактабдаги «машмашалар»га нуқта қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, мактаб — фарзандларимизнинг таълим-тарбияси демакки, келажагимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлган муқаддас маскан. Бу улуғ даргоҳда доимо ҳалоллик ва фидойилик, бурч ва масъулият каби эзгу фазилатлар барқарор бўлсин.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(2007 йил 21 апрелдан 4 май ҳолатига)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматларни ҳисобга олиш Йўриқномасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 1-сонли қарори.*

2007 йил 23 апрелда 305-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 3 майдан кучга киради).

2. "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси ҳисобидан аванс бериш ва пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 14 апрелдаги 40, 11/5-сонли қарори.*

2007 йил 26 апрелда 1062-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 6 майдан кучга киради).

3. "Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 16 мартдаги 3-сонли қарори.*

2007 йил 28 апрелда 1024-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 8 майдан кучга киради).

4. "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ҳамда тақдим этиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 4 апрелдаги 35, 2007-30-сонли қарори.*

2007 йил 2 майда 1676-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 12 майдан кучга киради).

5. "Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 23, 50, 01/УзРТСБ-18/11-сонли қарори.

2007 йил 2 майда 1677-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 12 майдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ва тақдим этиш бўйича қоидалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1308, 06.02.2004 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 2 майдаги 78-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 9 декабрдаги 05/4332-сонли хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

ЭЪЛОН!

Фарғона вилоят адлия бошқармаси Сўх туман давлат нотариал идора нотариуси лавозимига;

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Фарғона вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Фарғона вилоят адлия бошқармаси телефони: (8-373) 224-46-33.

Адлия вазирлиги жамоаси Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ғафур Алиевга отаси

НОМАНЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Ахмедов Абдуҳалим Абдурраимович
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Дилфуза РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-415. Тиражи — 4098.
Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 23.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

1 2 3 4 5